

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,  
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИЙЛ ЧИКИШИ  
№ 112 (1632)  
7  
И Ю Н Ъ  
СЕШАНБА  
1960 ИЙЛ  
БАҲОСИ  
20 ТИНИН.

## ТУРСУНОЙ ДУҒОНАЛАРИ УЧУН ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАШИНАЛАР

«Ташсельмаш» заводининг коллективи пахта териш машиналари тайёрлаб чиқариш суръатини оширмоқда. Корхона ишлаб чиқариш қувватини ошириш графикадан бир ой ўзиб кетди. Ҳозирги вақтда «ХВС-1,2» машинаси чиқаришнинг суткалик топшириги йилнинг дастлабки кунларидагидай қарийб уч баравар ошириб бажарилаётган.

Иқтисодий кўрсаткичлар ҳам яхшиланмоқда. Пахта териш машиналарини тайёрлашда сарф қилинадиган меҳнат икки мартадан ҳам зиёдроқ камайтирилди. Бу натижага механика цехларини янада ихтисослаштириш, агрегат ва автомат ускуналар ўрнатиш туфайли эришилди.

Завод КПСС Марказий Комитетининг Пленумини муносабат билан қутиб оlishга тайёрланиб, беш ойлик плanni муддатидан илгари бажарди. Графикдан ташқари 100 та терим агрегати тайёрланди. Бу — мамлакатнинг дондор механизатори Турсуной Охуновдан ўрнак олиб, пахта машиналарида терини ўзлаштиришга қарор берган ўзбекистонлик қизларга совгадир. (ЎЗТАГ).

## „Правда“ мухбирининг саволига СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. С. ХРУЩЕВНИНГ ЖАВОБИ

«Правда» мухбири СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрущевга қуйидаги савол билан мурожаат қилди:

Юнайтед пресс интерейншил агентлигининг хабарида айтилишича, Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Хегерти 2 июнда матбуот вакилларига, АҚШ президенти Эйзенхауэр 16 майда Парижда Совет Иттифоқи бош вазири Н. С. Хрущев билан икки ўртада да уршишни таклиф қилган эди, лекин Хрущев бу таклифга ўша кунги жавоб бермади ва давлатларнинг раҳбарлари Парижда турган вақтда бу таклиф тўғрисида оғиз очмади, деб айтган.

Сиз Хегертининг бу гапига қандай қарайсиз?  
Н. С. Хрущев: Хегертининг бу гапи — ҳақиқий аҳволни бундан кўрайтириш ва Қўшма Штатлар ҳукумати Парижда юксак доирада ўтказилган кенгаши бузганлигини орадан бир қанча вақт ўтгач оғлаш учун қилинган уринишдир.

Буюк Британия бош вазири Г. Макмилланнинг 15 майда, тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг дастлабки учрашуви олдидан шу тўғрисида берган саволига, агар президент Эйзенхауэр мен билан учрашишга қизиқса, мен президент билан учрашишга тайёрман, деб жавоб қилганини ақинда «Известия» мухбирига гапириб берган эдим. Гарчи Г. Макмиллан унинг саволига мен берган жавобни президентга топширганидигига шак-шубҳа қилмасам ҳам, бироқ, Эйзенхауэр бу масалادا ташаббус кўрсатмади.

Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг 16 майдаги дастлабки учрашувида президент Эйзенхауэр ўз баёнотининг охирида бундай деди: «Биз бу масалани (Америка самолётларининг СССР территориясига чикаришга ағрессив мақсад билан бостириб кирганига тўғрисидаги масалани — Н. Х.) муҳокама қилишни ё тўхтатишга, ёки шу кенгашининг ишини давом эттиришни билан бир вақтда Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатларнинг икки ўртада олиб бориладиган музокарасига киришишга тайёрман».

16 майдаги ўша мажлисда президентга берган жавобимни мавжуд стенограммдан олиб келтираман: «Икки ўртада учрашув ўтказиш ҳақида жавоб Эйзенхауэрнинг айтган гапларига келганда, мен бунни яхши идея деб ҳисоблайман. Учрашулар ўтказиш ҳамма яхши. Бу ерда сиз билан бизнинг зиммамизда жуда катта масъулият турибди, шунинг учун ҳам биз — ҳар ҳолда мен ўз ҳукуматим ҳақида гапирмайман — кескинликни камайтириш ва етилган халқлар масалаларини ҳал қилишга эришиш мақсадида гап-лашнинг битимга келишни истайман. Лекин эътироф қилиб шунни айтишим керакки, бу таклифдан унчалик умидим йўқ, чунки президент айтган платформада икки ўртада бир-биримизга мақбул бўладиган битимга ёки тушунишга келиш имкониятини берадиган шарт-шарит беришга кўзим етмайди».

Агар Қўшма Штатлар биз билан ҳақиқатан музокара олиб боришни истаса, бунинг учун нима қилиш керак эди?

Ушундан рашванки, АҚШ СССРга нисбатан ўзининг ивогарлик сибсатиндан воз кечиши, Америка самолётларининг Совет Иттифоқи территориясига тепасида учганини қоралаши ва бундай учашлар бундан бунён ортиқ тақдорланмайди, деб ваъда бериши керак эди. Бирор мамлакат ноўза ҳаракат қилиб, бошқа давлатнинг суверен ҳуқуқларини бузганда шу мамлакат ҳукумати бу ҳақда кечирим сўраб бундай ноўза ҳаракатлар тақдорламайди, деб ваъда бериши азалдан бери одат бўлиб келган қоидалар. Бу элементар бир нарсалар. Америка томони АҚШнинг Совет Иттифоқининг суверенитетини бузганидан иборат ўз сибсати ноўзғи сибсат эканлигини айтмаганига сабабли президент Эйзенхауэр билан икки ўртада олиб бориладиган Совет-Америка музокаралари биз учун маъбуд бўлмайдиган асосда, тенг ҳуқуқдан бўлмаган асосда ўтган бўлур эди.

Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг кенгаши билан бир вақтда АҚШ билан СССР ўртасида икки ўртада музокара олиб бориш тўғрисидаги гапга нисбатан ҳам шунни айтмоқ керак. Мутлақо рашванки, бундай музокара олиб бориш учун биз асло қабул қилмаслигимиз ошқ кўриниб турган шаршар қўйилди, яъни АҚШ ҳукумати элементар кечирим сўрамай ва ваъдалар бермай, Совет Иттифоқига нисбатан ўзининг ағрессив позициясини ўз кучида сақлаб қолди. Шу сабабли биз бундай музокараларда қатнаша оламиз эди.

Бези келганда шунни ҳам айтиб ўтайки, тўрт давлат бошлиқларининг 16 майдаги дастлабки учрашувидан кейин Америка томони Парижда бу масалани қайтиб тилга олмади. Бу ҳам Совет Иттифоқи чегараларини бузишни ўзининг «муҳажалланган сибсати» деб эълон қилган Қўшма Штатларнинг ҳаёлий позицияси учун характерли бўлди.

Фактлар манс шу, бу фактлар ҳеч бир изохсиз ҳам тушунарлидир.

## ЧЕЧЕН-ИНГУШ АССР МЕХНАТКАШЛАРИГА ТАБРИК

СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Чечен-Ингуш АССР Олий Советига, Министрлар Советига ва КПСС Чечен-Ингуш област комитетига ҳамда республиканин ишчиларига, колхозчиларига, интеллигенциясига, барча меҳнаткашларига катта байрам—Совет ҳокимияти ўрнатилишининг 40 йиллиги муносабати билан табрикнома ва қутлов юборди.

Чечен-Ингуш АССР меҳнаткашлари ўтган 40 йил ичида Коммунистик партия раҳбарлигида, рус халқи ва СССРнинг бошқа халқлари кўрсатган қардошларча ёрдам туфайли чор Россиянинг илгариги қолоқ чека ўлкасининг қиёфасини таниб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юборди. Табрикномада таъкидланадиги, республиканинг ҳамма муваффақиятлари Ватанимиздаги барча қардош халқлар экон-

микаси ва маданиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг имкониятларни таъминлаётган Лениннинг миллий сибсат тантаъасининг ёрқин далилидир.

СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, КПСС Марказий Комитети Чечен-Ингуш АССР меҳнаткашларига сановат ва ёшилқ ҳўжалигини янада юксалтириш учун, маданият, адабиёт ва санъатини гуллаб-яшнатиш учун, омманин коммунистик онгини ошириш учун, мамлакатимизда коммунистик жамиятнинг галабаси учун курашида янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.

Шунингдек РСФСР Олий Совети Президиуми, РСФСР Министрлар Совети, КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бюроси ҳам Чечен-Ингуш АССР Олий Совети, республика Министрлар Совети, КПСС Чечен-Ингуш област комитетига табрикнома юборди. (ТАСС).

## Ўрта Чирчиқ район пиллачиларининг ғалабаси

Ўрта Чирчиқ район пиллачилари давлатга 59 тонна пилла топшириб, планини 100,1 процент бажарди. Пиллачилар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, қўшимча равишда яна 15 тонна пилла топшириш мажбуриятини олдилар.

## АҚШ демократик партиясининг раҳбарларига Н. С. ХРУЩЕВНИНГ ЖАВОБИ

Шу йил 19 майда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев Парижда бўлган вақтда АҚШнинг Франциядаги элчихонаси АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрнинг топширишига биноан, Парижда Совет элчихонаси орқали Н. С. Хрущевга АҚШ демократик партиясининг раҳбарлари Рейборн, Жонон, Стивенсон ва Фулбрайтнинг президент Эйзенхауэр номига ёзилган қуйидаги мурожаатини Н. С. Хрущевга топширди.

«Биз Қўшма Штатлар демократик партиясининг раҳбарлари сифатида бош вазири Хрущевга мамлакатимиздаги оппозицион партиянинг нуқтан назарини, яъни юксак доирадаги кенгаши бизнинг мамлакатимизда миллий сайловлар туғатунча кечиктириш ҳақиқати ўз таклифини қайта кўриб чиқиб, деган фикримизни етказишингизни ўтганин сўраймиз».

Биз Кенгашининг батамом барбод бўлиши ва ҳар иккала томонда ишонсизликнинг кучайиши бундан кўра катта ҳаётий ва ҳуқуқ ташвишга соладиган фактор бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Бутун Америка халқи тинчликни, зўр бериб қуролланганин тўхтатишини ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланганини жиддий тарада истифди. Биз халқимизнинг раҳбари бўлган Сиздан ана шу нуқтан назарни Хрущев жаобларига етказишингизни сўраймиз».

Қуйида Н. С. Хрущевнинг Рейборн, Жонон, Стивенсон ва Фулбрайтга жавоби эълон қилинади.

Хурматли жаоблар!  
АҚШ Демократик партияси юксак доирадаги кенгаши муддатининг орқага суртилишига қарши эканлигини менга хабар қилишдан президентдан илтимос қилиб, АҚШ президенти номига юборган хатингизга АҚШнинг Франциядаги элчихонаси орқали 19 майда, яъни Президент Эйзенхауэр давлатларимиз ўртасидаги нормал муносабатларнинг элементар шартларини тан олишдан бош торганлиги билан кенгаши барбод қилганидан кейин меннинг қўлимга келди тегиш. Шундай бўлса ҳам мен Сизларнинг хатингизда тилга олинган масалаларга доир ўз мулоҳазаларимни баён қилиб ўтмоқчиман.

Ҳукуматлар бошлиқларининг кенгаши бўлмаг қолганлиги Совет ҳукумати афсусланади. Совет Иттифоқи халқлари бу кенгаши етилган халқларо масалаларнинг ҳал қилиш йўлидаги, халқларо кескинликни юмшатиш ва жаҳонга халқ солиётган ракета-ядро уруши таҳдидини тугатиш йўлидаги муҳим ва катта қадам деб ҳисоблаб, унга катта умидлар боғлаган эдик. Совет ҳукумати ҳам юксак доирадаги кенгашининг қақирлигини ва унинг иши муваффақиятли бўлиб чиқишига ёрдамлаштириш учун умидим бўлган ҳамма ишларини қилишга интилади, жумладан шу кенгашда муҳокама қилиниши лозим бўлган барча асосий масалаларга доир конструктив таклифларни тайёрлаб қўйди.

Бироқ, воқеаларнинг ривожланиши Совет ҳукумати ва мамлакатимизнинг халқларини истатан йўлдан бермади. Юксак доирадаги кенгашини ким ва қандай барбод қилганини тўғрисида батафсил тўхталиб ўтишим ҳожапти йўқ деб ўйлайман. Бунинг учун жаоблар Совет Иттифоқи ҳукумати эмас, балки АҚШ ҳукумати эканлигини анди бутун дунё билди. Қўшма Штатлар ҳукуматининг халқларо вазиетни кескинлаштиришга ва «сонуқ уруш»ни кучайтиришга қаратилган қатор тадбирлари кенгаши барбод қилишга олиб келди. Шу тадбирлар орасида давлат секретари Гертернинг, унинг ўринбосари Диллонинг, вице-президент Никсоннинг Совет Иттифоқига қарши бўлган ва президент Эйзенхауэр томонидан қувватланган ошқора чиқишлари, шунингдек ивогарлик билан қилинган ҳарбий триоголар ва президентнинг ядро синовларини яна бошлаб юбориш тўғрисидаги баёноти ҳам бор эдики, булар Сизларга маълум.

АҚШ ҳукуматининг юксак доирадаги кенгаши бузишга қаратилган йўли бизнинг мамлакатимизга нисбатан қилинган хоинона ва ағрессив ҳаракатда, Америка ҳарбий раёвдакчи самолётларининг Совет Иттифоқи ичкарисига бостириб кириши-

да аришилган ижобий натижаларини тугатишга интилайётганини кўрсатди.

Бироқ, биз шунни биламизки, ҳозир АҚШ ҳукумати эълон қилган ағрессия ва ивогар доктринасини америка халқи Уйлаб чиқарган эмас, бу доктрина Америка миллатининг буюк демократик традицияларига, Вашингтон ва Жефферсоннинг, Линкольн ва Франклин Рузвельтнинг традицияларига мувофиқ эмас. Шу сабабли АҚШнинг кенг жамоатчилик доиралари ва кўпгина кўча кўрнган сийси арбоблари ҳозирги Америка ҳукуматининг юксак доирадаги кенгаши барбод қилинига олиб келган ва тинчлик иши учун хатарли бўлган тақдир сибсат йўли ҳақида жиддий таъминламоқдалар.

АҚШ даги сергаллик билан фикр юритишнинг доиралар совет халқи билан америка халқининг битта умумий душмани боришини, у ҳам бўлса — уруш хавфи аканлигини ва биргалликда куч-гайрат сарфлаш йўли билангина бу душманинг енгил мумкин эканлигини яхши билдиладилар. Бу доираларнинг позицияси туқур заминга эга позициядир. Агар ҳўшёрлик билан фикр юритилган бўлса, америка халқи билан совет халқи ўртасида зиддиятлар объектив равишда мавжуд эмаслигини, улур халқларимизнинг бир-бирига тўқнаштиридан ҳеч бир нарсая йўқлигини, уларнинг жуда кенг территориялари, бой табиий ресурслари боришини, энг муҳими аса, юксак доирадаги кенгаши бузганлар зўр бериб тайёрланаётган ракета-ядро уруши жаҳонга нақадир ҳалокатли оқибатлар олиб келиши мумкинлигини улур яхши тушунишларини кўриш мумкин-ку, ахир.

Тинчлик ва халфсизликни совет кишилари нақадир муштоқ бўлиб кураётган бўлса, америкаликлар ҳам бунни шунчалик муштоқлик билан кутмоқдалар, мен Америка Қўшма Штатларига сафар қилиб борган вақтимда бунга қаноат ҳосил қилдим. Сиз Рейборн, Жонон, Стивенсон, Фулбрайт, жаоблар ҳам ўз хатингизда: «Бутун америка халқи тинчлик бўлишини, зўр бериб қуролланганин тўхтатишини ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларини янада яхшиланганини жиддий равишда тилайди» деб кўрсатиб ўтгансиз. Мен Сизларнинг бу гапнингизни мамнуният билан қайд қилман ва табриклайман.

Сизларнинг мамлакатингизда иккита асосий-сийси партия боришини биламиз, бироқ, АҚШнинг тақдир сибсати икки партия сибсатидир дейишди. Бунни тушуниб олишимиз қийин, бу Сизларнинг ички ишнети, бошқа давлатларнинг ички ишларига эса, биз, маълумки, арашмайман. Аммо, Сизлар каби бизлар ҳам халқлар тинчлигининг сақаниш қилиши самарасидан гоат манфаатдор аканликларини, ҳукуматлар ва партияларга аввало уларнинг тинчлик сибсатини ҳамда социал-иқтисодий системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши сибсатини амалда ўтказишга тайёр эканликларига қараб баҳо бераётганликларини яхши биламиз.

Сиз хурматли жаобларини ишонтириб шунни айтишим мумкинки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларини яхшилаш, тинчликни ва халқларо халфсизликни таъминлаш йўлида АҚШ томонидан қўйилган ҳамма қадамлар Совет Иттифоқига хайрихоҳлик билан қутиб олинди ва ҳар томонлама қувватланди.

Хурмат билан  
Н. ХРУЩЕВ.  
1960 йил 30 май.

## ТОШКЕНТ-ИВАНОВО Дўстларимиз ютуғи — бизнинг ютуғимиз

ИВАНОВО, 6-июнь. (Мухбиримиздан телефон орқали олинди). Бу ерда област сановат ходимларининг йиллиги бўлиб, Тошкент иқтисодий район меҳнаткашлари билан олиб бориладиган муносабадига социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш масаласи ва СССР Олий Совети бешинчи сессияси қарорларини амалга ошириш ваъдалари муҳокама қилинди.

Йилнинг мамлакатимиз халқлари ўртасидаги бузулмаз дўстликнинг йилни нисбатини айланди. Иваново Халқ ҳўжалик кенгашининг раиси ўртоқ Е. Т. Алексеев докладыда, Иваново шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Е. И. Гаражик, 1-Фурманов фабрикасининг директори ўртоқ В. С. Бакланов ва бошқаларнинг сўзларида Коммунистик партия ва унинг тинчлик учун ҳормай-тодмай курашаётган Никита Сергеевич Хрущев бошлқ Лениннинг Марказий Комитетининг оқилона сибсати қизини маълум қилди. Ингилишда меҳнаткашлар ўзбек халқининг номи хурмат ва эҳтиром билан тилга олинди. Ингилиш қатнашчилари шу нарсани қўриб ўтдиларки, Иваново ва Тошкент иқтисодий районлари меҳнаткашлари ўртасидаги муносабада аҳолий интилулар бермоқда.

Ингилишда сўзга чиққан Тошкент област партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Е. Буломов ўзбек халқининг удуру бу халқига бўлган чексиз муҳаббат ва миннатдорчилик туйғуларини ҳақиқатан гапирди. У Ивановоликларга яхши кутиб олинган учун ингани миннатдорчилик билдириб, тўқнашчилар ўлкасининг барча меҳнаткашларига Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети, Тошкент област партия комитети ва област ижроия комитети, барча ўзбек халқи номидан қизини салом топшириб, муносабадони дўстларимизга социалистик Ватанимиз шон-шухратини ошириш йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Ингилиш ироваридида Иваново област партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. В. Камитонов сўзга чиқди. У муносабадонишар вакилларига мурожаат қилиб, шундай деди: «Сизларнинг бу ерга келишингиз социалистик муносабати янада авж олдиради, ўзбек ва рус халқлари бузулмаз дўстлигини тағин ҳам муостаҳкамлайди.

Ивановоликлар ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олиб, янги марраларни белгиладилар.

## Илғор чорвадорларга нўчма Қизил байроқ берилди

Область партия комитетининг бюроси ва область ижроия комитети тўғрисида, суғу етиштиришни кўрнатириш, чорва тўғрисида олиб унинг сақлаб қолиш, давлатга чорваларни маҳсулотлари сотиш, бўрдоқ қилиб боқини ташкил этиш юзасидан чорвадорлар ўртасида бошланган социалистик муносабаданин 1-майда бўлган ақуларини кўриб чиқди ҳамда бу соҳада энг яхши кўрсаткичларга эришган қуйидаги хўжаликларга нўчма Қизил байроқ топшириш тўғрисида қарор қабул қилди:

Бекобод районидида 2-«Далварзин» (директори М. Бойметов, партия ташкилотининг секретари И. Ким, ишчилар комитетининг раиси К. Насиров), 1-«Бобўт» (директори К. Рашидов, партия ташкилотининг секретари Т. Хўжаев, ишчилар комитетининг раиси Я. Холитов ўртоқлар) совхозларига; Юқори Чирчиқ районидида «Политотдел» (раиси Хван-Ман гим, партия ташкилотининг секретари С. Ким ўртоқлар);

Оққўрғон районидида «Озод» (раиси Б. Раҳмонова, партия ташкилотининг секретари И. Соқиров); Оржоникиде районидида Ленин номи (раиси Т. Нормухамедов, партия ташкилотининг секретари Ф. Зиёмухамедов ўртоқлар); Янгиёул районидида Сталин номи (раиси А. Ортинев, партия ташкилотининг секретари Ф. Мадалиев ўртоқлар); Қуйи Чирчиқ районидида Димитров номи (раиси Шин-Дин-дин, партия ташкилотининг секретари Ли Чер-су ўртоқлар); Гулистон районидида «Октябрь» (раиси А. Брухтин, партия ташкилотининг секретари С. Файзиев ўртоқлар); Янгиер шаҳрида «Коммунизм» (раиси Т. Лагилов, партия ташкилотининг секретари А. Қурбонов ўртоқлар); Калинин районидида Сталин номи (раиси Т. Мирзаев, партия ташкилотининг секретари М. Юсупов ўртоқлар) совхозларига нўчма Қизил байроқ берилди.

## БАҲОРГИ БОҚИШ ҲИСОБИГА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИМИЗНИ БАЖАРИЛИК!

## ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

Область партия комитетининг бюроси 1960 йилда давлатга пилла сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажарган колхозлар ва совхозлар учун «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарида саҳифаларида Хурмат тахтаси таъсис этди.

Хурмат тахтасига пиллачиликчилорлар област иқтисодик трести, шаҳар, район партия комитетлари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг таъсирларига мувофиқ колхоз раислари, совхоз директорлари, болонлиқ партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари ҳамда ишчилар комитети раисларининг фамилиялари кўрсатилган ҳолда ёзилдилар.

Давлатга пилла сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари учун қуйидаги район ва колхозлар област Хурмат тахтасига ёзилдилар.

Оққўрғон району (район партия комитетининг секретари С. Р. Нишопов, район ижроия комитетининг секретари Т. Тогаев, пахта заводининг директори Р. Жонбев ўртоқлар). Бу район давлатга 66542 килограмм пилла сотиб, социалистик мажбуриятини 118 процент бажарди.

Оржоникиде районидида Киров номи колхоз (раиси Н. Гибсон, партия ташкилотининг секретари А. Абдуазимов, комсомол ташкилотининг секретари С. Хантов ўртоқлар). Бу колхоз 10094 килограмм пилла сотиб, социалистик мажбуриятини 107,0 процент адо этди.

Пискент районидида Ворошилов номи колхоз (раиси Н. Толпонов, партия ташкилотининг секретари А. Абдумунонов, комсомол ташкилотининг секретари Абдураҳмонова ўртоқлар). Бу колхоз давлатга 12000 килограмм пилла сотди ва мажбуриятини 134 процент бажарди.

Пискент районидида Жданов номи колхоз (раиси А. Дусбеков, партия ташкилотининг секретари Х. Ражабов, комсомол ташкилотининг секретари А. Қодирқулов ўртоқлар). Бу колхоз 4500 килограмм пилла сотиб, олган социалистик мажбуриятини 104,5 процент бажарди.

Оққўрғон районидида Кубишев номи колхоз (раиси С. Раҳмонов, партия ташкилотининг секретари Д. Сайдел, комсомол ташкилотининг секретари А. Қосимов ўртоқлар). Бу колхоз давлатга 13932 килограмм пилла сотиб, мажбуриятини 102,2 процент бажарди.

Оққўрғон районидида «Ленинобод» колхоз (раиси М. Юнусов, партия ташкилотининг секретари К. Эгамбердиев комсомол ташкилотининг секретари А. Султонсародов ўртоқлар). Бу колхоз давлатга 5719 килограмм пилла сотиб, мажбуриятини 100,3 процент бажарди.

Оққўрғон районидида Сталин номи колхоз (раиси Т. Мирзаев, партия ташкилотининг секретари А. Шағанов, комсомол ташкилотининг секретари Я. Розбеков ўртоқлар). Бу колхоз 14812 килограмм пилла сотиб, социалистик мажбуриятини 100 процент бажарди.

Калинин районидида генерал Собир Раҳимов номи колхоз (раиси М. Маъмуров, партия ташкилотининг секретари К. Латипов, комсомол ташкилотининг секретари Аҳмедов ўртоқлар). Бу колхоз 7658 килограмм пилла сотиб, мажбуриятини 115,0 процент бажарди.

## Сиз давлатга қанча пилла топширдигиз?

Область районларида пилла тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1960 йил 6 июнча бўлган  
МА Ъ Л У М О Т

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Планининг бажарилиши	Бир кунлик ўсати	Районлар	Планининг бажарилиши	Бир кунлик ўсати
Оққўрғон	117,9	6,3	Янгиёул	52,2	11,4
Қуйи Чирчиқ	109,2	7,7	Чиноз	52,0	8,2
Бекобод	107,0	7,0	Янгиер шаҳри	40,8	8,5
Ўрта Чирчиқ	100,0	18,2	Оҳангарон шаҳри	20,0	7,0
Сирдарё	71,9	12,1	Юқори Чирчиқ	14,9	7,7
Калинин	71,0	14,4	Бўстонлиқ	12,3	1,2
Гулистон	68,0	6,1	Олмалик		
Буна	58,0	13,1	Шаҳри	11,5	1,6
Пискент	55,3	11,6			
Оржоникиде	53,5	14,6			

# Қисқартirilgan ish kuni

# НИМА БЕРДИ:

Ким билан гаплашманг юз кун мамнулик, миляндорлик сўзларини эшитасиз. Кимгадир машинасозлар, энергетиклар, металлургия, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчилар — ҳаммаси иш кунини қисқартирганидан гоёт хурсанд. Оқдй ишчи ва хизматчилар, мастер ва техниклар, техналог ва конструкторлар, ҳамма иши бошидан охиб етдиган хўжалик ходимлари ва парткомлар, цехлар ва корсортлар... ҳаммаси, ҳаммаси партиа ва ҳукуматнинг ишчи ва инсонпарварлик сифатидан ниҳоятда мамнун.

Корхонада иш устида, бода-чақаси билан маданият ва истироҳат ботида сайр қилиб юрганида, кутубхонада мутлоа билан банд бўлиб турганида, уйда жамоат жам бўлиб хузур қилиб ёлдиқ палов еяётганларида, институт лабораториясида кимёвий анализ ўтказяётганларида сўхбатлашган кишиларимиз — турли касб ва ёшдаги турли миллат вакиллари иш соатиини қисқартирини тадбирини кўрганликлари учун динчи партиамизнинг доду Марказий Комитетидан, халқпарвар Совет ҳукуматидан беҳад миннатдор аканликларини тўқинлашяо изҳор етдилар.

Қисқартirilgan иш кунига ўтган корхоналаринг ва шаҳар партиа,



Иш соати тамом бўлди, нормани 180 процент бажарган партияловчи Суннат Дехонбоев энди техникумга имтиҳон тоширини учун боради. «Узбекхиммаш» заводда Суннатга ўхшаганлар жуда кўп.

совет ташкилотларининг раҳбарлари иш соати қисқартirilganдан кейин корхоналар ҳам, шу корхоналар коллективлари ҳам катта фойда кўраётганликларини далил-неботлар билан сўзлаб беришди. Чирчиқ электромаш комбинати меҳнат ва маош бўлими бошлигининг ўринбосари А. С. Вдовкин комбинат коллективни ўтган йилнинг 15 октябрдан қисқартirilgan иш кунига ўтган, бунда корхона техника-иқтисодий кўрсаткичлари камаймади, балки анча ошди, дейди. Маиа ўзингиз кўринг, дея у ҳисоб-китоб дафтариини узатди. Дафтардан шуларни ўқидик.

Комбинат бўйича 1960 йилнинг 4 ойида ўтган йилнинг шу муддатидаги нисбатан ялли маҳсулот ишлаб чиқариш 16 процент ўсбди. Маъмурий аппарат хизматчиларини ҳам ишчиларга қўшиб ҳисоблаганда, ҳар бир кишининг меҳнат унумдорлиги ўрта ҳисобда 12 процентдан ошиб, уларнинг олган ўртача иш ҳақи эса ойига ўтган йилги 945 сўм ўрнига бу йил 1065 сўмданга айланган.

— Бу ўринда яна шунинг эътибор-

Чирчиқ — шонли социалистик беш йилликлар даврида кўли гул меҳнаткаш кишиларимиз бунёдга келтирган саноатчилар шаҳри. Коммунистик партиа бош бўлган халқнинг ғайрат ва иродаси билан Чирчиқ водис тарихан қисқа вақт ичида энергетика, кимё, машинасозлик саноатларининг қудратли базасига айланди. Бу ерда тайёрланяётган кимё апаратурини, қишлоқ хўжалик машиналарини Халқ Хитойида, Албаниа, Руминия, Болгария, Ҳиндистан ва бошқа мамлакатларда яхши билдилар. Шаҳар саноати ва қурилишининг ахил коллективини етти йиллик тошйирқларини охириб бажариши учун бир жон-бир тап бўлиб курашаётир.

Кўп миллионли совет кишилари қатори Чирчиқ меҳнаткашлари ҳам СССР Олий Совети V сессиясининг ажойиб қарорларини етти ва олти соатлик иш кунига кўчиришини 1960 йилда тугаллаш тўғрисидаги Қонунидир. КПСС XXI съезди дирек-

тиваларини амалга оширувчи бу Қонуи СССРда дунёда энг қисқа иш ҳафтасини жорий қилиши йўлидаги муҳим қадамдир.

Ҳозир Чирчиқдаги 6 та корхона — электромаш, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли буюмлар ҳамда юмалоқ темир-бетон буюмлари комбинатлари, Узбекистон кимё машинасозлиги заводи, ГЭС каскади ва 160-қурилиш трестининг ишлаб чиқариш корхоналари комбинати қисқартirilgan иш кунига ўтиб ишламоқда. Энг йирик саноат корхоналаридан бири — «Чирчиқсельмаш»да ҳам эрта-инди қисқартirilgan иш кунини жорий қилинади. Шаҳардаги қолган корхоналарда янгица режимга ўтиш учун шу кунларда қизғин тайёргарлик кўрилмақда.

Қисқартirilgan иш кунига ўтишининг самарали натижалари ҳақма нарсда — ишчи-хизматчиларнинг дам олиши ва ўқиши, инчи оиласининг тўқ ва маданий турмуши, корхона ишлаб чиқариши ва шаҳарнинг қайноқ ҳаётида яққол кўриномақда.

## КОРХОНА ВА КОЛЛЕКТИВГА

га олиш керакки, — дейди Андрей Семенович, — ишининг хусусиятига қараб баъзилар 6 соат, баъзилар 7 соатлик иш кунига кўчирилган. Кўпчиликнинг истагини қондириб, кўпгина участкаларда кундалик иш соати илгарича сақлангани ҳолда, ҳафтасига икки марта дам олиш кунини жорий етиди. Бироқ шунга қарамай кимёгарларнинг иш ҳақи камайди, балки 11,2 процент ошди.

Бундай қувончли ютуқлар қандай қилиб қўлга киритилганини комбинат партиа комитетининг секретари Саттор Ёқубов батафсил тушутириб берди.

— Янги тартибга ўтиш учун бугун коллективимиз, иккинчи даражали ишчилар тайриб директорга, ҳамма пухта тайёргарлик кўрди, — деди у. — Ишлаб чиқаришни тақомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш резерваларини аниқлаш ва ишга солиш учун оммавий юриш бошланди. Норма, разряд ва таклифлар қайта кўриб чиқилди. Деярлик кўпчилик ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг маоши оширилди. Масалан, апаратурчилар илгари ойига 950—1000 сўм олган бўлсалар, янги тартиб бўйича улар ҳозир 1100—1200 сўм маош олмақдалар. Бу кимни хурсанд қилмайдй, дейсиз. Шундай қулайликлар яратиб берган саясий давлатга, танги халққа, унинг доду етакчисига! — Коммунистик партиага минг раҳмат! Давлатимиз миллион-миллион меҳнаткашлар маошларини кўзлаб, кунига бир неча ўн миллионлари танкил етдиган иқтисодий фойдалан воз келган экан, биз катта фойда кўрач жонаҳор давлатимиз ҳам анбн кўрмасин, оа вақт сарфлаб кўп маҳсулот берайлик, деган оялжаноб истақ қайси бир инсофли кишининг қалбида тугей урмайди дейсиз!

Мана бирнеча мисол. Комбинатнинг янги актив рационализаторлари Қойда, Капалур, Трофимов ва Цейтлин ўртоқлар ГИАП-2 кўмир генератори иш унумини анча ошириш йўлини топдилар. Уларнинг таклифи амалга оширилгани натижасида корхона йилга қўшимча равида тамида 60 минг сўм фойда кўрадиган бўлди. Комсомол қиз Лера Башкурова болчиликдаги коммунистик меҳнат бригадаси ўз участкасида агрегатлар иш режимини ўзгартириш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравар оширди. Бу янгилик давлатга йилга бир миллион сўм фойда беради.

Бундай мисолларни ҳар бир цехда учратиш мумкин. Комбинатда рационализаторлар соани ўтган йилга қараганда ҳозир бир ярим баравар ошганлигининг ўзибқ фикрини тасдиқлаб турибди.

Ингиллик ярагувчилар соани тез қўлаётганлигининг асосий омилларидан бири шундаки, иш соати кичиряқ деярлик кўпчилик ишчилар ишлаб чиқаришдан ажралмагач ҳо-

да ўқишга киришди. Ўқим-ўрганиш эса кишининг муҳофазасини кенгайтиради, ижодий қобилиятини ўстиради. Ҳозир комбинатда меҳнат қилаётган ҳар икки кишининг бири ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда нечми мантаб, техникун ёни олий ўнву юртида ўқимоқда.

Комбинат ишчи-хизматчилари ора-сида ўқинишни оммавий тус олиши ишлаб чиқаришни тараққий еттиришга самарали таъсир кўрсатмоқда. Муҳофаз доираси кенг, фаҳми ўткир, ҳар бир ишга ижодий ёндашиб, танқидий кўз билан қарайдиган малакали ишчилар қўлайга сайин ишлаб чиқаришни автоматлаштиришга, комаше ва электр қувватини тежашга қаратилган рационализатор ва ихтирочилик таклифлари кўлаб киритилмоқда. Белгиланган ташкилий-техникавий талаблар тез ва аъло даражада жорий етилмақда. Худди шунинг учун ҳам комбинатда ялли маҳсулот ишлаб чиқариш иш соати камайганига қарамай тобора қўлайи бораётир, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таъинархини камайтириш суръати илгарича нисбатан тараққ ўсмоқда. 5 ойица план ҳамма асосий кўрсаткичлар бўйича қарийб бир ҳафта олди бажарилганлиги бунинг далилидир.

Шаҳарнинг бошқа корхоналарида ҳам худди шундай қувончли фактларни кўриш мумкин. Қисқартirilgan иш кунига ўтган «Узбекхиммаш» заводи, Чирчиқ ГЭС каскади, ишлаб чиқариш корхоналари комби-

— Бўртдиришнинг ҳолати йўқ, — деди бунинг мақсадимизни фаҳмлагач Санам. — Фактларнинг ўзи, бизга ўхшаган мақсадли ишчилар турмушининг ўзи совет тузумининг, давлатимиз сийосатининг қандайлигини кўрсатиб турибди. Биз эр-хотини ишлаймиз. Турт болаимиз бор. Тўнғич қизим Олия 11 га кирди, у туртинчи синфда ўқийпти, олти йашар ўғлим Сидиқ боқчага қатнайди, Ойина билан Сарвар — энг кичкиналаримиз, улар уйда, 50 яшар камширимиз қўлида тарбияланяшаётир. Мен олдин ойига 442 сўм,



Электромаш комбинатининг пайвандчиси Мухтор Шарпов комбинат дуюхови орестрининг актив қатнашчиси. Улар ҳар ҳафтада 3 кун илгарида маданий хизмат кўрсатадилар. Суннат Шарпов янги куйини майнц киялмақда.

нати, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли буюмлар ҳамда юмалоқ темир-бетон буюмлари комбинатларида ҳам ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат активлиги охиб кетди. Ана шу активлик туфайли макур корхоналар халқ хўжалигимизга олдингидан анча кўп маҳсулот етказиб бераётирлар. Шаҳар бўйича ялли маҳсулот ишлаб чиқариш беш ойлик пиланининг муддатидан илгари бажарилганлиги ишчи-хизматчиларгайрат ташаббусининг мевасидир. Ленил вахтасини давом етираётган илгор корхоналарнинг қолдетишлари КПСС Марказий Комитети ва Узбекистон КП Марказий Комитети пленумлари шарафига ўзайо социалистик мусобақани авж олдириб, ҳозирнинг ўзида виландан ташқари бир неча миллион сўмлик минерал ўғит, электр қуввати, кимё ва энергетика ускуналарни ва жуда кўп деяр истеъмол моллари ишлаб чиқаришлар. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳамма шаҳарда 1959 йилнинг худди шу муддатидаги нисбатан 18 процент ўсди. Шуниси айниқча қувончлик, бу ўсишга қисқартirilgan иш кунига ўтган корхоналар онг кўп ҳисса қўшдилар.

Кўришиб турибдики, иш кунини ва иш ҳафтаси қисқариши натижасида корхона ва коллектив учун катта қўлайликлар вужда келмақда, ишлаб чиқаришни юксалтиришнинг янги-янги резервалари очилмоқда.

## Ажойиб хислат

Совет ёшларининг ажойиб хислати бор — улар доим ўқингиз, ўз билан доираларини кенгайтириб, коммунистик жамаатнинг илгор кишини бўлиб етишишга интилянади. Мамлакатимизда қисқартirilgan иш кунига ўтишлик туфайли ишчи-ёшларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиниш учун яна ҳам кенг имкониятлар очилмақда. Шу сабабли ҳам ишчи ёшлар ўртасида ўқиниш хоҳлаганлар сонининг сўғити йилларда қўлаётгани беиз эмас.

Корхоналарнинг янги иш режимига ўтиши мусоабати билан шаҳримизда ҳам ишчи-ёшлар мактаби тармоғи бундан беиз кенгайборалди. Шаҳардаги олтинчи ишчи-ёшлар мактабида ҳозир 1500 ўқувчи ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқимокда. 1960—1961 ўқув йилида эса бу рақам 2100 га етди. Корхоналарнинг маълумоти, партиа, комсомол ва касабаси овоз ташкилотлари янги ўқув йилида ишчи-ёшларга бизим олинч учун қулай шарт-шароит яратинга ҳозирламоқ тайёрларак кўрмоқдалар.

Ишчи-ёшлар учун қулайлик туғдириш мақсадига янги ўқув йилида 200 ўқувчига мўлажалланган сиртки мактаб ҳам очилмади.

В. ЛАРИН, шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири.

## Биз ҳам хурсандмиз

Бизнинг унимиздан уч киши мактабга борди. Кичкина укам Хусан биринчи синфда, Собир акам еттинчи синфда ўқийди, мен бу йил ўттинчи синфни тамомлайман. Даламлар Фрунзе номлидаги кимё машинасозлиги заводда ишлайман.

Бир кун ишдан ишдан анча вақтлик келиб, «бугундан бошлаб етти соатлик иш кунига ўтдик, энди ҳар кунимиз аёвдан вақтлик келмайман» дедилар.

Нагари ишдан қарчаб келиб, даламизнинг ўқийларимизни унча сурингирмас эдилар. Эилинчи, энди жуда яхши бўлди. Ҳар кунимиздан қайтач бироқ дам олиб, сўғ мен, акам ва укамнинг баҳолар қўйилган табанимизга кўрадилар, унга қандай назария беришганини сўрайдилар. Менга ва кичкина укамга кўпроқ ердэм бердилар. Мактабимизга ҳам тез-тез бориб турадилар. Бундан биз жуда хурсандмиз.

Ҳозир ЗАМЕТОВА, Хрущев номидаги 2-ўрта мактаб, инг 4-синф ўқувчиси.



Сайдахмат Алиев ва Ҳошимжон Шариповлар оиласи шаҳар маданият ва истироҳат боғида ҳордиқ чиқармоқда.

эрим 1000 сўм олдики. Ҳозир ҳам етти соатдан ишлаймиз, ҳам олдингидан 250 сўм кўп иш ҳақи олаётимиз.

— Бизнинг бюджетимиз сианикидан кўп, — дея ҳазил қилди Ҳамия. — Бизнинг Ҳошимжон ўтган йили май ойидан бери етти соатдан

бўлишганда узоққа чўзилдиш турган гап эди. Негаки, бу темада қандай гапирсанг ҳам одоғига етиш қийин.

— Янгица тартибда ишга ўтилганлиги натижасида ишчи ва хизматчиларнинг оила билан, бола тарбияси билан кўпроқ шугулланишлари, ўз билимларини оширишлари, жамоат

## ИШЧИ ВА УНИНГ ОИЛАСИГА

ишлаётир. У ойига ўрта ҳисобда 1400—1500 сўм ҳақ олади. Кечки политехника институтининг III курсини аянда битиради, ҳақемал инженер бўлади. Мен ҳам ундан қолдираётганим йўқ. Олаётган ойилгим ҳам, ўқиниш, жамоат ишида қатнашувим ҳам ундан кам эмас.

— Биламиз, — дея тасдиқлади Сайдахмат, — шаҳар Советининг депутаты, ишлаб чиқариш доимий комиссиясининг аъзоси акаплигинингизни ҳам биламиз.

Сўбатни болалар шўхлик қилаб

ишларида фаол қатнашдилар, спорт ва балий ҳаваскорлик тўғраракларида бемалол иштирок етдиларини учун жуда қулай имкониятлар яратилди. Ҳозир шаҳарда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 15 мингдан ортиқ киши ўқитилганини, физкультура ва спорт билан мунтазам шугулланувчилар соани икки баравардан зиёд қўйилгани, йирик корхоналарнинг деярлик ҳамма цехларида ҳаваскорлик тўғрараклари ташкил етилганлиги ва уларда ишлар қизғин бораётганлиги бунинг яққол далилидир.

## САНОАТЧИЛАР ШАҲРИГА

Шаҳардаги маданият ва истироҳат боғларининг оқшомдаги гавжумлиги, ишчи клублари ва маданият саройларида оммавий кўнгили дам олиш, кино-театрларга коллектив бўлиб маданий юришлар уюштириш, шаҳар марказий кутубхонаси ва корхоналар кутубхоналаридаги актив китобхонлик, депутатлар фаолиятининг жоиланиб кетгани ҳамма-ҳаммаси ана шу қисқартirilgan иш кунига ўтиш, яъни кўпроқ бўш вақтга эга бўлиш бекисиди.

— Янгица тартибда ишлаш, — дейди шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Ю. А. Туджиков, — шайримизни ободлаштиришга самарали таъсир кўрсатди. Бу йилги кўлкам шайбаликлариди меҳнаткашлар ўтган йилдаги қараганда анча анча қатнашдилар. Улар бўш вақтларининг бир қисмини ўз шаҳарларини обод ва кўркам қилиш учун сарфлашга тайёр эканликларини кўрсатдилар. Шаҳар кўчалари, корхоналарнинг территориясида минглаб туپ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди, арчи-зоғурач тозаланди, шаҳарнинг санитария аҳволи яхшиланди. Айниқса электромаш, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли буюмлар ва юмалоқ комбинатлари, «Узбекхиммаш» заводи ишчи-хизматчилари ободончилик юришида актив қатнашдилар.

СССР Олий Совети депутаты Гавҳар Ҳайдаровани сайловчилари билан сўхбат қилаётган вақтида учратдик.

— Ҳозир бизда ҳафтада икки кун дам олиш кунини, — деди Гавҳар Ҳайдарова. — Мен бу икки куннинг бир кунини ўз сайловчиларимга бағишлаганман. Дам олиш куним чорпанбада тушдан кейин сайловчиларни қабул қилиб, бемалол сўхбатлашман, уларга қўлимдан келган ердэмни кўрсатаман. Қуллас, ҳозир яхши дам олишга ҳам, депутатлик бурчимни бажаришга ҳам вақт бемалол бўлиб қолди.

Қисқартirilgan иш кунига ўтиш мусоабати билан шаҳарда ишчи-

## Комсомоллар миннатдор

Сиздан унча, биздан буғина деган гап бор. Совет халқи, социалистик Ватанимиз биз ёшларнинг фаровон турмуш кениринишми, эркин билим олишимиз, истаганимизга ўйнаб — қушимиз учун ҳамма шарт-шароитларни мухайб қилиб қўйибдилар. Маана энди ишчи ёшлар кунига янги 7 ва 6 соат ишлаётирлар.

Бунчалик олжаноб гавҳарларга жабобан ёшлар ҳам кўрүк «рахмат» билан киривалаяётганлари йўқ. Жумладан Чирчиқ шаҳри ёшлари техника тармақиди унча комсомол юришига қўшилган. Комсомол зарбор куришини «Химстрей» ёшлари раёновлавларлик кўп билан ирим миллион сўмлик мабала иқтисод қилдилар.

Комсомол ташкилотлари ишлаб чиқаришнинг доғдигор новаторлари, меҳнат ва революция ветеранлари билан учрашувларини, савол-жавоб кечларини, турли конференция, диспут ва шу каби оммавий иштироқ тадбирларини кўпроқ ўтказадиган бўлиб қолдилар. Хуллас қисқартirilgan иш кунига ўтишлик шаҳар ёшлари ҳаётини янада серлақ қилиб берибди, уларнинг меҳнат активлиги ва сийсий кўтарилишларини ошириб юборди.

А. ЛЕВАШЕВА, шаҳар комсомол комитетининг секретари.

## Янгица ишлаётирмиз

Маданият саройи фойлитида ҳам янча ўзгаришлар ясалди. Бўш вақтга эга бўлган ишчи — хизматчилар санъат ва маданиятга кўпроқ қизиқилган бўлиб қолдилар. Ана шунинг ҳисобга олиб, биз маданий эҳтизини ҳар тарафлама яхшилаш, саройда ўтказилган тадбирларини ишчиларнинг бўш вақтига мусофиллаштириш йўллариини қўлдирдик.

Янгица ишлашга ўтилмасдан олдин саройда иш кеч соат бешдан бошланарди. Ҳозир эса бу ерда келувчиларнинг вақтинчи ҳисобга олиб, ишчи соат бир ёки учдан бошлалмоқда. Натижада тўғрараклар аъзолари соани кўпайди, турли оммавий-маданий тадбирлар ва маданият унверситети машгулотларига кўп киши қатнашадиган бўлди. Ҳор, расмчилик ва ўзбек халқ чолгу асбобларини ансамбли каби тўғраракларга 50 га яқин янги ҳаваскор қўшилди. Ҳозир тўғраракларда машгулотлар илгаричадий бир соат олдин бошланаяётир. Сарой хузуридаги кутубхона ҳам ўз иш соатини ишчи-хизматчиларнинг бўш вақтига ҳисобга олиб, қайта қурди. Қисқартirilgan иш кунига ўтилгандан бери кутубхона доимий аъзоларининг соани 100 дан ортиқ кишига қўлайди.

Кейинчалик, комбинатда иш кунини янада қисқартирялди. Биз ҳам ўз набатидида меҳнатчиларга маданий эҳтизини доимо яхшилаш учун ҳаракат қилмаверамиз.

А. П. НЕСТЕРЕНКО, электромаш комбинати маданият саройининг директори.



Людианг ва Евдокия Квятковск кийлар қисқартirilgan иш кунига ўтгандан бери суюкли ўғилларни гулланадиган бўлиб қолдиши. Маана ҳозир ҳам улар комбинат дуриб берган шинам уйда чақчақлашиб ўзтиришпти. Буларнинг иноқлиги ва билимга интилуванчилигига электромаш комбинатдаги кўп касбдошларининг ҳавеси келади.

«ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ» 2-БЕТ. 7 ИЮНЬ, 1960 ЙИЛ.



Иш вақти бир соат камайгандан бери корхоналарнинг техника кутубхоналари ҳам гавжур бўлиб қолди. Суратда: «Узбекхиммаш» заводи инженерлари (чапдан) Э. Азимов ва М. Садиоров техника кутубхонасида мутлоа устида. В. Салов фотолари

# СИЗ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БАЖАРМОҚДАСИЗ?

## Ўғзаларни ёппасига шоналатиб олиш учун

Колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Каффар Эрденев шу кунгача ўғза парвариши соҳасида амалга оширилган тадбирлар ҳақида сўзлаб берди.

— 1275 гектар пахта майдонининг 1026 гектариди ўғзаларни квадрат-уялаб парвариш қилмоқдамиз, — деди у, — колхозчиларимиз, азамат механизаторларимиз бу йилги об-ҳаво қийинчиликларини ўз ҳалол меҳнатлари билан енгишар. Қатқалоққа қарши вақтида кураш олиб борилди, илгор бригадаларимизда ўғзаларни ўт босишга йўл қўйилмади. Унга механизация кучидан ўғза ва унумли фойдаланганлигимиз тўғрисида сўзлаб бердик.

Ўртоқ Эрденев ҳақ таъин этилган эди. Асосий майдонлардаги ўғзалар икки марта комплекс парваришдан чиқарилади. Озиқлантириш култивация билан бир вақтда ўтказилибди. Эндиликда лозим топилган пайкаларга маромда сув қўйилмоқда.

Ҳаммадан кувонарлиги шу ердаки, колхозда 500 тоннадан ортиқ ҳосилни машинада териб олиш планлаштирилган. Бунинг учун ҳозирдан бошлаб тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Машина теримига ажратилган қаргалардаги ўғзалар алоҳида меҳр билан парвариш қилинапти. Ўғзаларнинг машинабоп бўлиб ўсиши учун зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўғза парваришининг тез ва сифатли ўтказиладиганлиги ҳақида гап борар экан, мўл ҳосил етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшаётган азамат механизаторлар ҳақида фикрларни сўзлашсан киши. Колхоз аъзолари Ж. Рустанов, А. Султонов каби меҳор механизаторлар ҳар кун 9—10 гектардан ердаги ўғза қатор орадарига ҳам узунасига, ҳам қўйилганга ишлов бериб, қўйилганини ҳурматига сазовор бўлишмоқда.

Биз айниқса Н. Исомидинов, З. Қорахўжаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг пахта далаларида бўлганимизда бу ерда ўғза парвариши ушшоқлик билан олиб бориладиганлигини кўриб хурсанд бўдик.

— Ишимиз ҳали мақтанаран эмас, — деди камтарлик билан 9-бригада бошлиғи ўртоқ Низомидин Исомидинов, — ўғзамизнинг ривож қилини бригадаларимизга қараганда бирмунча дуруст бўлса ҳам лекин ўтган йилнинг шу вақтидагидек эмас. Биз Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Ўғзаларнинг ривожланишини тезлатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига тўла риоя қилиб, июнь ойи ичида қатор тадбирларни амалга оширдик. Шу ой ичида барча майдонлардаги ўғзаларимизга икки марта комплекс ишлов берилди. Минерал ўғталарга гўнг аралаштириб, тўйдириб озиқлантирадик. Ҳар тун ўғзаларнинг қўни сув ичишига эришамиз.

Биз Ўрта Чирчиқ райониди Охунбобоев номи колхознинг илгор бригадалари аъзолари ва механизаторлари ишдан мамнун бўлган ҳолда қайтдик. Уларнинг мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашаётганликларига ишонч ҳосил қилдик.

З. ОРИПОВ.



## Ойни этак билан ёпиб бўлмади

Ойни этак билан ёпиб бўлмагани сингари, тракторнинг айбини ҳам кетмон билан ёпиб бўлмади. Ленин Сирдарё райониди «Гигант» колхозининг ўртоқ Камол Қалашов бошлиқ бригадасида тракторнинг ишини кетмон билан бажариб юборамиз, деб бел боғланбди.

Нима бўлди-ю, бригадани энди ўғза култивациясини бошлаб юборамиз, деб турилганда трактор шудгор юзини кўрмаёқ чакки «йўталиб», бир тугун чиқарди-ю таятлақ тўхтади қолди.

Тракторчи унинг атрофидан айлана бошлади, юрагини чагғалаб турган бригадани бошлиғи ҳам тракторчи энгасига энгасиди, турса-турди, уҳ деса уҳ деди. Лекин латига чиқмади. Бригада бошлигининг боши қотди. Ахир бир томондан наққалоқ ёш ўғзаларни томоғидан бўғтаётди, иккин-

Т. СОЛИБЕВ.



**БИРИНЧИ КОЛХОЗЧИ:** бизга ўн кун кетмон чоптирган-дан кўра, ривожимиз бир кун бош қотириб, универсални тузатиб берганида-ю ҳам олғир меҳнатдан қутилар эдик, ҳам ишимиз юришиб кетарди.

**ИККИНЧИ КОЛХОЗЧИ:** ишни биз қиламиз, у кишига нима олғир-енгли бор биродар...

А. Ҳолиқов чизган расм.

Ўрта Чирчиқ райониди «Полярная звезда» колхозиди ўғзаларнинг тез ва нормал ривожланиши учун район партия амалга оширилмоқда. Суратда: сўнгги гектар ердаги ўғзалар механизация воситасида янана қилинмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

## Механизация кучи билан

Чиноз райониди «Октябрь» 40 йиллиги колхоз аъзолари пахта етиштиришни қўлайтиришда механизация кучидан кенг фойдаланишмоқдалар.

Колхознинг Хрущев участкасидаги ўртоқ Н. Тўқсонбоев бошлиқ бригадани аъзолари 100 гектар ердаги ўғзани кетмонсиз парвариш қилмоқдалар. Шу бригаданинг механизаторларидан Ш. Шамидинов, Д. Холматов ва А. Солиқов ўртоқлар ҳар кун 10—12 гектар ердаги ўғзани узунасига ва қўйилганга култивация қилаётдилар. Бригадада янана ҳам ва қатқалоққа қарши кураш қилишиб юборилди.

Колхозни А. Мингдебоев ва У. Акрамов бошчилиқ қилган бригадаларида ҳам ўғза узунасига бир марта, қўйилганга 2 марта култивациядан чиқарилади. Биринчи озиқлантириш ҳам тугалланди.

С. ИСХОҚОВ, М. МИРВОФЕВ.

## Учинчи парвариш бошланди

Бекобод райониди Навоий номи колхозининг коммунист ўртоқ Хошим Алимов бошлиқ бригадаси ерлари Сирдарё соҳили жойлашган. Бригада аъзолари бу йил майдонларда мўл ҳосил етиштириб, республикамизнинг 3 миллион 170 миң тоннасига муносиб ҳисса қўшиш иштиёби билан ишламоқдалар. Шунинг учун ҳам квадратлардаги ўғзалар сифатли парвариш қилишиб, уни тез ривожлантириш тадбирлари амалга оширилди.

Меҳнат тўғри ташкил қилинган тўғрисида ўғзаларнинг иккинчи парвариши барвақт тугалланди. Бунда тракторчи ўртоқ Ж. Мустафоқовнинг хизмати катта бўлди. У, кўнлик тошириқни ҳар доим олиб бажариш билан ўғзани чуқур ва етарли нелликда култивация қилди.

— Биз, — дейди бригадани бошлиғи ўртоқ Алимов, — ҳамма майдондаги ўғзани квадрат-уялаб ўстираймиз. Ўтган йили бир центнер пахта етиштиришга кўн меҳнат сарфлаган бўлсан, бу йил ўғзани кетмонсиз, механизам билан парвариш қиламиз, пахта таянқарини анча намайитирамиз.

Ҳақиқатан ҳам бригада аъзоларининг сўзи билан иши бир. Ўғза тағларни юмшоқ бўлганлиги тез ривожланиб, эрта шоналай бошлади. Бригада аъзолари ўғзани яна ҳам сифатли парвариш қилишга эътибор бераётди. 500 тонна маҳаллий ўғит тайёрлаб қўйилди. Бу минерал ўғит билан аралаштириб, ўғзаларни талабига қараб озиқлантирилди.

Бригада ўғза парваришидаги дастлабки муваффақиятни амалий иш билан мустаҳкамлаётди.

Х. ҚОЛМИРЗАЕВ, А. ИСРОИЛОВ.

## Чорвачилик маҳсулотларини янада кўпайтирамиз

Етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш, мамлакатга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган районимиз меҳнаткашлари янгидан-янги меҳнат зафарларини қўлга киритмоқдалар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бўлажак III пленуми муносабати билан районимиз чорвачиларини олдинда янги катта вазифалар турибди. Улар ўз имконият ва резервларини қайта кўриб чиқиб, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш юзасидан янги юксак мажбурият олдилар. Гўшти етиштириш бўйича белгиланган етти йиллик плани муддатидан 2 йил олдин, сут етиштириш топшириқини эса 1961 йилдаёқ бажаришга сўз бердилар. Шунингдек ёғ, жун, туҳум таъбирлаш юзасидан ҳам оширилган мажбуриятлар қабул қилинди.

Ҳўш, бу мажбуриятларнинг бажарилиши учун район партия ташкилоти қандай тадбирларни амалга ошираётди?

Дастлавл асосий эътибор ташкилотчилик ишига, резервларни қилдириб топши ва мавжуд имкониятларимиздан фойдаланишга қаратилди. Коммунистлар чорвачиликдаги олғир, ҳал қилувчи участкаларга бирктилади. Белгиланган мақсадни қўлайтириш асосида район чорвачиларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш аҳлишланмоқда, улар ўртинда оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш ва унинг таъсирчанлигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда, илгорлар таърибиса кенг оммалаштириб, социалистик мусобақа тобора авж олдирилмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари хўжалик ишлари билан конкретроқ шуғулланганидан, партия йиғилишларида эса кўпроқ ишлаб чиқаришга бевосита таллуққий бўлган масалалар муҳокама қилинадиган бўлиб қолди ва ҳоказо.

Бу сингари тадбирларнинг амалга оширилиши бўйича ўзининг самарали натижаларини бераётди. Колхоз ва совхозларда жамоат чорвачилигини ривожлантириш бўйича 1960 йилда мўлжалланган план ортиги билан бажарилади, гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштириш, сезимларни даражада кўпайди. Масалан, ўтган хўжалик йилининг даст-

лабки тўрт ойи мобайнида ҳаммаси бўлиб 332 тонна гўшт ишлаб чиқарилган эди. Бу йилнинг 4 ойи ичида эса 616 тонна, ёки ўтган йилдан қариб 2 баравар кўп гўшт етиштирилди. Дастлағта пландаги 985 ўғига 1041 тонна гўшт топширилиб, йиллик план 106 процент бажарилади. Сталин номи, Карл Маркс номи ва бошқа бйрқатор илгор хўжаликлар давлатга пландан ташқари гўшт сотишни давом эттирилмоқдалар.

Гўшт етиштиришдаги муваффақиятларимизнинг «сири» нимада? Аввало шундаки, гўштни топшириладиган чорва молларини алоҳида ажратиб бўрдоқига боқшига эътибор кучайтирилди. Чорва моллари ўрта ва юқори семизликда гўштни топширилади, қорамолларнинг ўртача вазни 300 килограмми ташкил этиди. Буни энг сўнгги кўрсаткич деб бўлмади, албатта. Гўштни топшириладиган қорамолларнинг вазнини янада ошириш имкониятига эгамиз.

Сут етиштиришда ҳам ахши натижаларга эришилмоқда. Чунончи, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравар кўп сут соғиб олинди. Бу соҳада Сталин номи, Карл Маркс номи, С. Раҳимов номи, Хрушчев номи, «Партия XX съезди» колхозлари ва «Тошкент» совхоз чорвачиларининг қўлга киритган муваффақиятлари айниқса диққатга сазовордир. Сталин номи колхозда 191 бот соғин сугиринг ҳар бирдан 4 ой мобайнида ўртача 1623 килограммдан сут соғиб олишга эришилди. Бу — ўтган хўжалик йилида ҳар бир сугирдан шу муддатда соғиб олинган сутдан қариб 400 килограмм ортиқ демедадир.

«Тошкент» совхозининг сугир соғувчилари ҳар бир сугирдан ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 658 килограмм кўп сут соғиб олишга муваффақ бўлганликларини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Шу нарсга қувончилик, районда 5—6 мингчилар сафи тобора ўсиб бормоқда. Сталин номи колхозининг Х. Шомирзаева, Н. Иноятова, И. Исҳоқова, Н. Едгоровна, Х. Тўрабекова каби илгор сут соғувчилари олдинчиликларининг олдинги сафида бориб, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар бир сугирдан 2500—2600 килограммга етказиб сут соғиб олдилар.

Қўзиларни кампанияси якунлашмоқда. Ҳозиргача район колхоз ва совхозларининг Келес массивиди айловларда боқилаётган 15 миңга яқин соғилар қўзилари, 526 овладдан энгизак кўзи олинди.

Кўнчилик чўпонлар қўзиларни юзасидан олган мажбуриятларини ошириб адо этилади. «Коммунизм» колхозининг чўпонлари Х. Эрдиев ва Б. Давронов ўртоқлар ҳар юз соғилдан 110—120 кўзи олганга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, Охунбобоев номи, Навоий номи колхозлари ва «Тошкент» совхоз чўпонлари ҳам ахши натижаларини қўлга киритдилар. Бу хўжаликларнинг қўнчилик фермаларида қўзи-

Район партия ташкилоти сиёсий-тарбиявий ва ташкилотчилик ишларини янада тасоммалаштириб, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш юзасидан олинган юксак мажбуриятларни бажариш учун курашга оммавий кенг сафарбар этиди ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетини пленумини ёруғ ва билан қутиб олади.

Ғ. МАЖИДОВ, Калинин район партия комитетининг секретари.

## Ўғзаларнинг ривожини тезлатиш учун нималар қилиш керак

Маълумки, бу йил баҳорнинг ноқудлай келиши орақсиди энчи кетдики. Чигит унуб чиққандан кейин ҳаво салқин бўлиб, ўғза ривожланишдан орақла қолди. Бунинг устига ёғингариллик кўп бўлиши, айрим жойларда қаттиқ сел ва дўл ёғиши натижада анчагина майдондаги ўғза ноқуд бўлди, кўнгина майсизларга қайта чигит энкиши ва қолган ерларнинг даярлик ҳаммасида олсанга энкиши тўғри келди.

Жумаладан бизнинг колхозимизда ҳам 1700 гектар пахта майдонининг 1015 гектарига чигит қайта оқилди, қолган 685 гектар ернинг 60 процентига олсанга энкиди. Шундай қилиб, энчи май ойининг охиригача ўғзалар, ўғзаларнинг феиш ва ривожланиши 15—20 кун кечикиб кетди.

Бунга сабаб шунки, ҳаво салқин келиб ўғза оқ томил оломай қолди, оқ томил олмагунча ўғза яхши ўсмайди. Бизни жойларда ердаги энчи зах ўғзаларни қора томиларни чигрита бошлади. Бунинг натижада ўғза қилишча бўлиб қолди. Айниқса, ер шўртоқ бўлиб, қаттиқ қатқалоқ босадиган биланнинг шаронгимизда бу жуда хавфли эди. Шунинг учун биз бу масаланинг олдин олдиш ва ўғзаларнинг оқ томил ёйишини тезлатиш мақсадида дарҳол қатор орадаларни юмшатиб, ердаги энчи захни йўқотишга нормалдан кўпроқ ўғит бериб, сугорини кичирдик.

(Тошкент область, Янгйўл райониди Хрушчев номи колхоз раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ҳамроқул ТУРСУНҚУЛОВ билан суҳбат).

Ҳозир далаларимизда 56 трактор ва 63 от култиватори тўғрисида ишлаб турибди. Колхозчиларимиз ва механизаторларимизнинг бутун куч ва эътибори қандай бўлмасин қатор орадаларни юмшатиб, ўғзани кўздан, ердаги оққандан ва сувдан яхши баҳра олиб, нормал ўсишини таъминлашга қаратилган.

Бу йил даярлик ҳамма жойда чигит қула шудгор қилган ерларга энкиди. Баҳорда шудгорни бора-налаш, қайта-қайта энчи вақтида трактор кўп юриши, бунинг устига ёғингариллик кўп бўлиши натижада ер бери бўлиб, таги қотиб қолди. Шунинг учун қатор орадаларни жуда тез, муҳим қадар кенг ра чуқур култивация қилиб, ернинг тагини яхши юмшатиш керак. Бунинг учун култиваторнинг иш органларини тўғри ўрнатилиши ва тишлари ўткир бўлиши зарур. Ана шундай қилишганда ер ҳам юмшайди, ҳам оққанди аччиқ зах йўқоиб, ўғзаларнинг оқ томил ёйиши учун қудай шароит тўғилди.

Бундай қилиш учун колхоз ва совхозларимизда ҳамма имкониятлар бор. Кучли тракторлар ўз ихтиёри-

мизда. Айниқса, янги агротехника усулида ўғза қатор орадаларини икки томонлама ишлаш белгиланган тадбирларнинг қисқа муддатда юқори сифатли ўтказиш учун катта ёрдам берибди. Икки томонлама ишлашнинг фойдаси шунки, ўғзага тўрт томондан шабада тегиб қушдан яхши баҳра олади, шоналарни кўпроқ тутиб қолди, қайчи барг бўлиб ўсади. Ҳар қанча иссиқ бўлса ҳам шона ташламайди, пахта барвақт етилади.

Шу билан бирга янана янани тезла تامомлаб озиқлантиришни кучайтириш зарур.

Ҳозирги вақтда ўғзани ёшланида озиқлантиришнинг аҳамияти жуда катта. Бунда минерал ўғитга маҳаллий ўғит аралаштириб солиш жуда фойдаландир. Шундай қилиб ўғитланган дехқон ютади. Минерал ўғитга аралаштирилган қора гўнг ерни юмшатиш билан бирга тупроқда нам сақлашга ёрдам беради, ўғзаларнинг ўсиши, шоналаш ва гулга киришини тезлатади, то август ойигача ўғзани оч қолдирмай, кўсаларнинг барвақт етилишини ва тўқ бўлишини таъминлайди.

Шу кунларда ўғзани ўғитлаб олиш учун унинг талабига қараб сугорини ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бизни жойларда ернинг захига қараб

«нам етарди» деб сугорини кечиктирилмоқда. Деҳин бу намга ишониб бўлмайди. Чунки айниқса шўртоқ ерлардаги нам аччиқ захдан иборат. Бу, энкиннинг ўсишига ёрдам бермайди, балки зарар етказилади. Оқарсув билан сугорини эса ернинг ана шу захрини кетказилади, ҳатто қўлаб ётган ерлардаги захни ҳам қочиради.

Ўғзани сугорини жуда ноқуд иш. Агар ёшланидан «сухўрда» қилиб қўйилса, у тез тез чанқайдиган бўлиб қолди. Кейин вақтида сугорилмас, шонасини ташлаб юборлади. Кератидан ортиқча сув берилса бўлиб ноқуд, сербарг бўлиб яхши ҳосил олмайдди, кўсаларнинг етилиши ва пахтанинг очилиши кечикиб кетарди. Шунинг учун сугорини ер шароитига ва ўғзаларнинг аҳволига қараш керак. Агар ер текис ва юмшоқ бўлса, бундай жойларда биринчи сувни эгат оралиб, қиз, сув югуриб кетадиган ерларда ҳар бир эгатдан қўйиш лозим.

Ҳақиқатан орасининг узун қисқалиги ернинг текис ва қилиғига қараб шундай олиншини кераклик, қарганин лойинидаги, еки ҳалқоқ жойлардаги ўғзалар сувга пинҳил бўлмасин. Аксинча дўн жойлардаги ўғзаларнинг тагига сув етмай қолгани йўл қўйилмасин. Эгатларга таралган сув бир меърада оқиб, ҳамма ер бир текисда намансиз. Бу-



Оржоникиде райониди Ленин номи колхозда теплицда хўжалик яхши қўлга қўйилган. Шу кеч-қундузда теплицда помидор, бодирин гарқ пинган. Суратда: колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Туроб ана Нормухомедов теплицда хўжалик бригадаси бошлиғи Камолддин айна Обхўжаев билан теплицда буддан кейин амалга оширилган ишлар ҳақида суҳбатлашмоқда. И. Душини фотоси.

